



## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ SWOT-ТАҲЛИЛИ

Раҳимов Одил Бердиевич

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги

Тошкент Ахборот технологиялари университети

Қарши филиали катта ўқитувчиси

odilrahimov2374@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7370462>

### ARTICLE INFO

Received: 18<sup>th</sup> November 2022

Accepted: 25<sup>th</sup> November 2022

Online: 27<sup>th</sup> November 2022

### KEY WORDS

Нисбий модел, прогноз  
натижалари, ахборот  
тизими, эндоген  
ўзгарувчилар, экзоген  
ўзгарувчилар, хўжалик  
юритувчи субъектлар,  
худудлараро кластерлаш,  
эконометрик  
моделлаштириш, рақамли  
технология, эмпирик модел,  
эконометрик модел,  
потенциал.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш параметрларини баҳолашда хориж тажрибасига таяниш асосий манбалардан биридир. Ривожланган мамлакатлар иқтисодий секторларида рақамли технологияларнинг қўлланилиши ҳақида сўз кетганда, унинг нафақат қишлоқ хўжалиги, балки, иқтисодийнинг турли тармоқларида самарадорлик кўрсаткичларини ахборот сифатида қабул қилиш мумкин. Чунки рақамли технологиялар иқтисодий тармоқларини барчасининг комплекс ривожига учун бирдай хизмат қилади ва умум ривожланиш ҳолатини белгилаб беради. Шу маънода иқтисодий ўсиш даражасини рақамли технологиялар билан боғлаганда,

### ABSTRACT

Хўжалик юритувчи субъектларни кластерлашда асосий ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш ёки умумийроқ айтганда эконометрик моделлаштириш орқали ишлаб чиқаришни прогноз қилиш усуллари кўрсатиб ўтилган. Қашқадарё вилояти хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини худудлараро кластерлашда эконометрик таҳлил ва иқтисодий математик усуллардан фойдаланиб эконометрик моделини қуриш ва прогноз қилиш механизмларининг назарий асослари такомиллаштирилган.

кўплаб жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот марказлари, тадқиқот институтларининг тадқиқот ишларида иқтисодийнинг маълум сектори фақат шу секторга тегишли натижалар таҳлили билан чекланиб қолмаган[1]. Ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда муаммолар сферасининг ерни тежаш босқичидан ўтиб, ривожланишнинг кейинги босқичларига қадам қўйишган. Уларнинг бу мақомга мос бўлишлигида асосий мезонларидан бири рақамли эволюция индексининг қиймати қабул қилинган. Маълум характерига кўра, рақамли эволюция индекси 4 та гуруҳ бўйича ажратилади. Бунда 1-гуруҳ



лидерлар деб номланиб, гуруҳнинг характеристик тавсифи рақамли ривожланишнинг юқори даражаси ва тез суръатда ўсишни ифодалайди. Бу гуруҳда Сингапур, Буюк Британия, Янги Зеландия, Эстония, Гонконг, Япония ва Исроил мамлакатларини киритиш мумкин. 2-гуруҳ “секин суръатли ўсиш” деб номланиб, характеристик жиҳатдан узоқ вақт давомида динамик ўсишда давом этиб, ҳозирги вақтда ривожланиш суръати пасайиб кетганлиги билан тавсифланади.[2] Уларда инновацияларни динамик равишда амалга оширмаслиги сабабидан рақамлаштиришнинг етакчиларидан орқада қолиш эҳтимоли юқори эканлиги кутилади. Бу гуруҳга Жанубий Корея, Австралия, шунингдек, Ғарбий Европа ва Скандинавия мамлакатларини ҳам киритиш мумкин. Рақамлаштиришнинг умумий даражаси дастлабки икки гуруҳга нисбатан паст, аммо шу билан бирга барқарор рақамли ривожланиш динамикасига эгаллиги билан характерланадиган индекслашнинг 3-гуруҳига Хитой, Кения, Россия, Ҳиндистон, Малайзия, Филиппин, Индонезия, Бразилия, Колумбия, Чили, Мексика мамлакатлари киритилади. Булардаги мавжуд ҳолат инвесторларни жалб қилиши ва ҳатто уларнинг етакчилар гуруҳига киришга имкон бериши ҳам мумкин. Сўнги 4-гуруҳ “муаммоли” деб номланади ва гуруҳ характери асосан ички омиллар билан боғлиқ кўпгина тўсиқлар таъсирида секин ўсиш суръатли, ривожланишнинг паст даражаси билан тавсифланади. Бу гуруҳга мамлакатлардан Жанубий Африка Республикасини, Перу, Миср,

Греция, Покистонни киритиш мумкин[3].

## **Тадқиқот методлари**

Замонавий ишлаб чиқариш параметрларини баҳолашда хориж тажрибасига таяниш асосий манбалардан биридир. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиёт секторларида рақамли технологияларнинг қўлланилиши ҳақида сўз кетганда, унинг нафақат қишлоқ хўжалиги, балки, иқтисодиётнинг турли тармоқларида самарадорлик кўрсаткичларини ахборот сифатида қабул қилиш мумкин. Чунки рақамли технологиялар иқтисодиёт тармоқларини барчасининг комплекс ривожини учун бирдай хизмат қилади ва умум ривожланиш ҳолатини белгилаб беради. Шу маънода иқтисодий ўсиш даражасини рақамли технологиялар билан боғлаганда, кўплаб жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот марказлари, тадқиқот институтларининг тадқиқот ишларида иқтисодиётнинг маълум сектори фақат шу секторга тегишли натижалар таҳлили билан чекланиб қолмаган[4]. Қишлоқ хўжалигида ердан ва ишлаб чиқаришнинг бошқа ресурсларидан самарали фойдаланишнинг назарий-амалий масалалари бир неча соҳавий билимларга таянади. Бунда фақатгина аграр нуқтаий назаридан ёндашиш ҳеч қандай ечимни таклиф этмайди. Аграр соҳа бўйича илмий изланишлар олиб борган тадқиқотчи олим Мах Weber нинг фикрича келажакда фақатгина ер ресурсини сифатини яхшилаш, меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш билан натижага эришиб бўлмайди, балки ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга интеллектуал технологияларини қўллаш билангина



эришиш мумкин бўлади. Нидерландиялик тадқиқотчи Jaap Jan Schröder[5] қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда кимё саноатининг роли ортишини таъкидлайди. Тадқиқотчи Dunstan Gabriel Msuya Канада қишлоқ хўжалиги тизими бўйича олиб борган илмий тадқиқотларида экологик мухитга чидамли навларни яратиш, генетика муҳандислигининг ривож қишлоқ хўжалиги тараққиётини белгилаб берувчи асосий омиллардан бирига айланишини келтиради. Рус иқтисодчи олими Югай А.М. тадқиқотларида Россия Федерациясида такрор экин ҳамда экинлар алмашилиши ишлаб чиқариш ҳажмига катта таъсир кўрсатганлигини таъкидлайди.

Шунингдек, мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам ҳудудлар кесимида ердан фойдаланиш самарадорлиги[6], ер ресурсларини қийматини баҳолашда эконометрик моделлаштиришдан фойдаланиш масалалари қараб чиқилган.

Нафақат қишлоқ хўжалиги ёки ердан фойдаланиш масалаларида балки, умумий ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда рақамли трансформация тушунчаси асосий жараёнлардан бири сифатида кўрилмоқда. Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда[17].

Рақамли трансформация глобал миқёсида ҳам иқтисодиётда, ҳам

алоҳида секторлар даражасида амалга оширилмоқда. Чунки халқаро корпорациялар ўзларининг рақобатчилари енгиб бўлмайдиган технологик тўсиқларни яратиш орқали ўз соҳаларида етакчи мавқеини сақлаб қолиш учун янги технологияларни ва ўз бизнес моделларини, рақамли трансформациясини жорий қилаётганлигини кўриш мумкин[8].

Рақамли иқтисодиёт шароитда қишлоқ хўжалигида тежамкорликка, ишлаб чиқариш харажатларини маҳсулот сифати ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлиги билан боғлашга янгича ёндашув талаб этилади. Унга эса кўп жиҳатдан эконометрик ва статистик ҳисоб юритишнинг янги шакл ва усулларини рақамли технологияни янги методологиялари[9] ни қўллаш орқали эришиш мумкин.

## Натижа ва муҳокама

Фикримизча, рақамли технологияларга асосланган қишлоқ хўжалигини шакллантириш муаммоларни ечимини таъминлайди. Бундан ташқари хўжаликларининг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлайдиган ва узоқ муддатли ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланишни рағбатлантирадиган ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва бошқаришда рақамли технологиялардан фойдаланиш, моддий техника таъминотини талаб даражасида яратиш, уларни замонавий рақамли технология билан қуроллантириш ҳамда қишлоқ хўжалиги секторида иқтисодий ислохотларни



чуқурлаштириш ерга, мулкка бўлган эгалик ҳиссини янада ошириш, тадбиркорликка,[10]

ишбилармонликка, янги мулкчиликка ва рақамли иқтисодиётга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва оптимал тартибга солиш механизмлари ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

“Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси ҳозирги глобал ривожланиш механизмларини ҳисобга олиб, бажарилиши шарт бўлган талаблар асосида рақамлаштирилган, замонавий комплекс тизимни шакллантиришни мақсад қилади. Рақамли инфратузилмани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича келтирилган тадбирлар амалга оширилган ҳолатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёни учун ривожланишнинг минимум даражаси қандай кўринишда бўлиши мумкин. Минимум ҳолат деганда, яратилган имкониятлардан умумий, яъни оммага хос фойдаланишни тушуниш мумкин. Бунда асосан қуйидаги жиҳатга эътибор қаратиш лозим, яъни соҳавий тезкор ахборот олиш ва алмашилиш майдонининг мавжудлиги. Бу соҳада табиий равишда реклама бозорини кучайтиради, тажриба орттириш ва алмашилиш, рақобатнинг кучайиши ҳисобига сифат ва миқдорий такомиллашувнинг вужудга келиши, маҳсулот етиштиришга таъсир этувчи айрим факторлар жорий ва келгуси ҳолати тўғрисида очиқ маълумотлардан фойдаланиш, билимлар базасининг шаклланиши ва кенгайишига сабаб бўлади.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш унумдорлигини ошириш, маҳсулотлар таннархини камайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш тизимини ташкил этиш – бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бевосита боғлиқ устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда [11].

Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими доирасида ташкил этилаётган “Агрохизматлар марказлари” фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича 2021-2022 йиллар давомида тўлиқ ижронинг таъминланиши мақсадли кўрсаткичларга эришишни кафолатлайди. Демак, ижронинг ҳолати асосий фактор ҳисобланади. Ижро этиш “Агрохизматлар марказлари” фаолиятини қандай ташкил этилишига боғлиқ.

Бизнингча вилоятда ташкил этиладиган “Агрохизматлар марказлари” 5 та асосий марказлар яхлит тизим асосида интеграциялашган ҳолатда фаолият юритиши зарур. Буларга Илмий тадқиқотлар маркази, Техник-технологик марказ, Агробизнес ва лойиҳа маркази, Дастурий таъминот маркази, Ахборот-маслаҳат марказини киритамиз.

1) Илмий тадқиқотлар маркази ахборотлашган тизим бўлиб, қишлоқ хўжалик соҳасида молиялаштирилган илмий тадқиқотлар олиб борилади. Молиялаштиришнинг манбаларидан бири соҳанинг ишлаб чиқариш объектларидаги реал муаммолар ечимига йўналтирилган илмий тадқиқотлар асосида фермер, деҳқон



хўжаликлари билан бевосита хўжалик шартномаларини тузиш орқали ташкил этиш мумкин. Марказ ОТМ ва илмий-текшириш институтлари илмий потенциалидан фойдаланган ҳолатда ташкил этилади.

2) Техник-технологик хизмат кўрсатиш маркази қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг замонавий технологиялари, хусусан, интенсив усулда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, электрон тизимлаштириш, рақамли технологиялар билан таъминлаш, юқори даражадаги механизациялаш, соҳани автоматлаштириш қурилма ва воситалари билан таъминлаш каби вазифаларни бажаради. Бошқа марказлар ҳам муайян бир функционалликга эга бўлади. Умуман олганда қишлоқ хўжалиги ишлаб

чиқаришини  
натижасида:

- меҳнат натижаси ва самарадорлигини оширишга эришилади:

- маҳсулот ишлаб чиқарувчи бозор иқтисодиётининг эркин рақамли субъектига айланади.

- маҳсулот қиймати талаб ва таклиф қонунлари асосида белгиланади:

- маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг моддий манфаатдорлиги ва маъсулияти ортади.

Қолган марказлар ҳам ўзига хос функцияларни бажаради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Қашқадарё вилояти мисолида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бошқаришни тизимлаштириш бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди (1-жадвал).

## 1-жадвал

### Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бошқаришни тизимлаштириш бўйича таклифлар

Таклифлар	Имкониятлар ва қўлайликлар	Тўсиқлар
Ресурс тежовчи техноло-гиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш	Ресурс тежовчи воситаларни маҳаллий ташкил этиш мумкинлиги; Ишлаб чиқарувчиларнинг тажрибаси; Давлат томонидан қўллаб-қувватланиши	Инновацион технологияларнинг оммалашмаганлиги; Маҳаллий ресурс тежовчи воситаларнинг талаб даражасида эмаслиги; Импорт маҳсулотларнинг қимматлиги;
Фермер хўжаликларида кўп тармоқли фаолиятни, жумладан чорвачиликни кучайтириш	Ер майдонларининг катталиги; Меҳнат ресурсларининг етарли эканлиги; Ўзини ўзи молиялаштириш имконияти;	Фермер хўжалиги фаолиятига ташқи таъсирларнинг кучлилиги; Ер ҳақиқий эгасида эмаслиги; Наслчилик амалиётининг камлиги;





	Кластер тизимида фаолият юритиш имконияти Давлат томонидан қўллаб-қувватланиши	Рақамли трансформациянинг қониқарсизлиги
Деҳқон хўжаликларида кўп тармоқли фаолиятни, жум-ладан доривор ўсимличиликни кучайтириш	Сифатли ер майдонлари; Меҳнат ресурси етарли; Меҳнат ва ишлаб чиқариш харажатларининг камлиги; Давлат томонидан қўллаб-қувватланиши	Тажрибанинг етишмаслиги; Экспорт муаммолари; Рақамли трансформациянинг қониқарсизлиги Ишлаб чиқаришнинг тизимли ташкил этилмаганлиги
Уй хўжаликларида иссиқ-хона хўжалигини ривож-лантириш	Худуд иқлими; Қишлоқ ва шаҳарларда томарқа ерларидан йилда фақат мавсумий фойдаланилиши, қолган вақтда бўш туриши; Томорқа ерларининг нисбатан сифатли эканлиги; Давлат томонидан қўллаб-қувватланиши	Қишлоқ жойларда иссиқлик таъминотининг пастлиги, иссиқхона қуриш материалларининг қимматлиги, рақамли датчиклар билан жиҳозланишнинг талаб даражсида эмаслиги, ишчиларнинг етарли малакага ега эмаслиги
Ишлаб чиқаришга ихтисослашувни кенгайтириш	Қўлай географик жойлашув; Ишлаб чиқариш тажрибаси; Давлат томонидан қўллаб-қувватланиши	Соғлом рақобат муҳитини товарбоп маҳсулот етиштиришга боғлиқ эмаслиги; Инвестеция жозибасининг етишмаслиги
Техника таъминоти ва ижараси тизимини такмиллаштириш	Барча турдаги техника воситаларининг мавжудлиги	Кўп функцияли техникаларнинг етишмаслиги; Техника харажатларининг қимматлиги; Техника хизматидан тизимли фойдаланишнинг йўлга қўйилмаганлиги; Ижара бўйича интернет плотформаларнинг қониқарсизлиги; Туманларда техник



		таъминотнинг нотекис тақсимооти
Рақамли инфратузилмани шакллантириш	Мобиль алоқа воситаларининг оммалашгани; Худудларда интернет хизматининг мавжудлиги; Аҳолининг АКТ саводхонлиги	Рақамли технологияларнинг оммалашмаганлиги; Рақамли технологияларнинг ва хизмат кўрсатишнинг қимматлиги; Технологиялар импорт маҳсулотлари эканлиги; Соҳа ходимларининг етарли кўникма ва малакага эга эмаслиги; Электрон плотформаларнинг мукамал эмаслиги ва фойдаланувчиларнинг камлиги

Янги Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш тизими ирригация, мелиорация, селекция каби ғоят муҳим соҳалар билан чамбарчас боғланиб кетади. Зеро, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини айна шу

тармоқларнинг юқори савиядаги ривожисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Жумладан, Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг SWOT-таҳлили келтирилган (2-жадвалга қаранг).

## 2-жадвал

### Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжаликларини ривожлантиришнинг SWOT-таҳлили

КУЧЛИ ТОМОНЛАР	ЗАИФ ТОМОНЛАР
<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун махсус қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг ўтказилаётганлиги ва ҳуқуқий асосларининг яратилганлиги;</li> <li>✓ қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун алоҳида “Қишлоқ хўжалиги тўғрисида” ги Қонуннинг қабул қилинганлиги;</li> <li>✓ Қонун асосида – ер ва мулк эгаси бўлиб шаклланганлиги;</li> <li>✓ қишлоқ хўжалиги</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ қишлоқ хўжаликларини ривожлантириш учун зарурий иқтисодий механизмларнинг такомиллашмаганлиги;</li> <li>✓ бугунги кунда қишлоқ хўжаликлари учун аниқ тартибга солинган, қулай таъминот тизими мавжуд эмаслиги;</li> <li>✓ қишлоқ хўжаликларини зарурий ресурслар билан таъминлаш асосан хусусий шахслар томонидан амалга оширилаётганлиги;</li> <li>✓ қишлоқ хўжаликларининг</li> </ul>



<p>тадбиркорлик шаклига кириши ва бунда жамиятнинг бош бўғини халқ манфаати қондирилаётганлиги;</p> <p>✓ деҳқон ва фермерларда ер билан ишлаш кўникмаси тўлиқ шаклланиб бўлганлиги;</p> <p>✓ майда товар ишлаб чиқарувчи хўжалик сифатида тез мослашувчанлиги, банкротликка мойил эмаслиги;</p> <p>✓ фаолиятининг даромад олишга қаратилганлиги.</p>	<p>сифатли ресурсларни олишга бўлган имкониятининг чекланганлиги;</p> <p>✓ қишлоқларнинг иқтисодий саводхонлигини оширишга қизиқиши сустлиги, улар ер билан ишлашни билсак, шунинг ўзи етарли деб билиши ва натижада:</p> <p>✓ юридик мақомдаги қишлоқ хўжаликлари сонининг кундан-кунга камайиб бораётганлиги.</p> <p>✓ зарурий техника воситаларининг етишмаслиги, бошқа хўжалик субъектлари билан ўзаро кооперация муносабатларининг бузилганлиги, етиштирилган маҳсулотларни сотиб олиш тизимининг йўқлиги.</p>
<b>ИМКОНияТЛАР</b>	<b>ТАҲДИДЛАР</b>
<p>✓ қишлоқ хўжаликлари иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларининг ошиши натижасида қишлоқ аҳолисининг қизиқиши ортиб бораётганлиги;</p> <p>✓ қишлоқда банд бўлган аҳоли сонининг қишлоқ хўжаликлари ҳисобига кўпаяётганлиги;</p> <p>✓ маҳаллий инвестицияларни жалб этиш имкониятининг кўпаяётганлиги;</p> <p>✓ чорвачиликка ихтисослашган қишлоқ хўжаликларининг сифат кўрсаткичи доимий равишда юқорилиги;</p> <p>✓ давлат томонидан узлуксиз равишда қишлоқ хўжаликларини қўллаб-қувватловчи чора-тадбирлар, дастурлар қабул қилинаётганлиги.</p>	<p>✓ қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бизнес билан шуғулланувчилар сонининг ортиб бораётганлиги;</p> <p>✓ қишлоқ хўжаликларининг шахсий томорқа ва аҳоли хўжаликлари билан доим ёнма-ён, биргаликда талаффуз этилиши, бу эса учала хўжаликни ҳам битта қилиб бирлаштирилган ҳолда олиб бориш мумкин деган хулосага олиб бораётганлиги;</p> <p>✓ қишлоқ хўжалиги манфаатининг “чайқовчи”ларнинг ҳисобига салбий равишда, қисман қондирилаётганлиги;</p> <p>✓ чўл зоналарида қишлоқ хўжаликлари сонининг кескин камайиб бораётганлиги.</p>

SWOT-таҳлили орқали вилоят қишлоқ хўжалигини ташкил этишда эътибор қаратиш лозим бўлган ҳолатлар, уй хўжаликлари, жамият ва давлат

манфаатини қондиришда соҳанинг аҳамиятини тушунишга ёрдам беради. SWOT-таҳлили натижалари вилоятда фаолият юритаётган субъектларга мавжуд ҳолат тўғрисида ахборот





беради, чунки таҳлилда қишлоқ хўжалигининг кучли ва заиф томонларини, имкониятлари ва хавф солаётган таҳдидлар ҳам санаб ўтилган.[12]

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ва бошқаришни тадқиқот объекти сифатида ўрганар эканмиз, унинг ривожланиши қуйидаги муаммоларни бартараф этиш билан боғлиқ эканлигига амин бўлдик:

- ерларни суғориш бўйича номутаносибликлар мавжудлиги;
  - ерлардан тўғри фойдаланиш учун амалий ва назарий тажрибаларнинг етишмаслиги;
  - айрим маҳсулотларнинг харид нархлари пастлиги;
  - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи монополь корхоналарнинг етакчи мавқеи ҳамон сақланиб қолаётганлиги;
  - қишлоқ хўжалик ходимларига хизмат кўрсатиш бозори етарли даражада шаклланмаганлиги;
  - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тўла молиялаштирилмаганлиги;
  - шартнома тузишда айрим эскича ёндашувларнинг мавжудлиги;
  - техника хизматлари бажарилишида ёқилғи – мойлаш материаллари танқислиги;
  - муқобил машина трактор паркларида хизмат кўрсатишнинг талаб даражасида эмаслиги ёки харажатларнинг юқорилиги.
- Келтириб ўтилган муаммоларни бартараф этишнинг қуйидаги ечимлари мавжуд деб ҳисоблаймиз:
- ✓ қишлоқ хўжалиги ходимлари иш фаолиятига ёрдам бериш мақсадида

ахборот маслаҳат гуруҳларини ташкил этиш;

- ✓ барча турдаги шартномалар бўйича онлайн масъулиятни ошириш ;
  - ✓ шартнома шарҳлари, режалар бажарилишини аниқлик билан ишлаб чиқаришни мониторинг қилиш;
  - ✓ хўжаликлар ўз маблағларидан эркин фойдаланишларига эришиш ;
  - ✓ сув ресурсларидан фойдаланишдаги муқобил сув таъминоти уюшмалари хизматини яхшилаш ва сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланишни ақлли ҳисоблагичлар орқали йўлга қўйиш;
  - ✓ ер майдонларини яхшилаш учун кредит бериш механизмларини такомиллаштириш;
  - ✓ хўжаликларга сервис хизматлар кўрсатишни яхшилаш ва сервис корхоналари билан тузиладиган шартномаларни такомиллаштириш.
- Қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш орқали аграр соҳадаги ўтказилаётган ислохотларнинг қуйидаги вазифалари ҳал этилади;
- қишлоқда ҳусусий мулкчилик ва мулкдорлар қатлами шаклланади ва рақамли агробизнес ривожланади;
  - аграр секторда иқтисодий муносабатлар рақамли иқтисодиётнинг усул ва механизмларига мос равишда амалга ошади;
  - қишлоқ хўжалиги тадбиркорларида бевосита ишлаб чиқариш натижасида моддий манфаатдорлик пайдо бўлади ва бу орқали мулкдан самарали фойдаланишга эришилади;
  - чинакам рақобат вужудга келади, натижада ишлаб чиқариш самарадорлигини, маҳсулот сифатини хўжаликнинг яқуний иқтисодий-



молиявий кўрсаткичларини яхшилашга қизиқиш ва интилиш кучаяди;

- хўжалик фаолиятини кенгайтириш, даромадларини тақсимлаш ва тадбиркорлик эркинликлари туфайли бошқа хўжалик юритиш субъектлари билан бевосита тузиладиган шартномалар асосида фаолият олиб борилади, шунингдек, даромадларни янада ошириш мақсадида ишлаб чиқаришни кенгайтиришдан, яъни фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришгина эмас, балки уларни қайта ишлаб, таёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан манфаатдорлик пайдо бўлади.[13]

**Хулоса.** Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак юртимиз қишлоқ хўжалигида туб ислохатлар белгилаб бераётган энг бирламчи вазифаларнинг ижросига эришилса қишлоқ хўжалигининг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлайдиган ва хўжаликларига ўзоқ муддатли ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланишни рағбатлантирадиган ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиб беради. Бу кўрсаткич мамлакатимизни қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқадиган мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнини моделлаштиришнинг концептуал ва блокли тамойиллари асосида чуқур тадқиқ этиш, қишлоқ хўжалиги илмий тадқиқотларнинг диққат марказида бўлсада, тадқиқот натижалари сифатли моделлар

ёрдамида илмий асосига эга бўлиши талаб даражасига чиққан бугунги кунда, тармоқдаги мавжуд долзарб муаммоларини ечишга қаратилган илмий тадқиқотларда эконометрик моделлаштиришнинг аҳамияти етарлича ўз аксини топмай қолмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири тадқиқот таркибида моделлаштириш алоҳида қўшимча элемент сифатида киритилишидир. Аслида моделлар тадқиқот мазмунини ифодаловчи, унинг тушунарли бўлишини таъминловчи аппарат бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади.[14]

Рақамли технологияларини жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш унумдорлигини ошириш, маҳсулотлар таннархини камайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш тизимини ташкил этиш – бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бевосита боғлиқ устувор йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.[15] Рақамли технологиялар миллий бозори учун қулай муҳитни яратиш ва истиқболли “рақамли” стартапларни ривожлантириш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар миқёсида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўлланиладиган, маҳаллий имкониятлар, ҳудуднинг географик, экологик, геологик, биологик хусусиятларини ҳисобга олинган ҳолда ишлайдиган маҳаллий технологик – дастурий рақамли воситаларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш зарур.



## References:

1. "Рақамли Ўзбекистон – 2030" стратегияси доирасида 2020–2022 йиллар Қашқадарё вилоятини рақамли трансформация қилиш ДАСТУРИ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ–6079-сон Фармонида 13-илова. <https://lex.uz/ru/docs/5030957>
2. Гарифуллин Б.М., Зябриков В.В. Цифровая трансформация бизнеса: модели и алгоритмы. Журнал креативная экономика. Том-12, №9, 09.2018, 1345-1358
3. Санникова Т. Д. и друг. Зарубежные модели цифровой трансформации и перспективы их использования в российской практике. Журнал Экономические отношения. Том 9, № 2, Апрель–июнь 2019. Стр-481-494
4. Mukhitdinov Khudoyar Suyunovich, Normahmatov Khayriddin Mingliyevich providing health care services to the population of the region. Accepted in the journal The American Journal of Management and Economics Innovations (ISSN-2693-0811) for Volume 03 Issue 02 February 2021.
5. Mukhitdinov K. S., Juraev F. D. Methods of Macroeconomic Modeling //International Journal of Trend in Scientific Research and Development (IJTSRD), e-ISSN. – С. 2456-6470
6. Muxitdinov, X. S. va L. N. Xudoyorov. "KICHIK BIZNESLARNI PROGNOZ BERISH AXBOROT-TAHLILLIK QO'LLAB-QUVVAT TIZIMLARI". Web of Scholar 5 (2016): 12-14.
7. Qodirov, Farrux, and Xudayar Muhitdinov. "Features that increase efficiency in the provision of medical services and factors affecting them." Ta'lim va rivojlanish tahlili onlayn ilmiy jurnali 2.7 (2022): 192-199.
8. Qodirov Farrux Ergash o'g'li. Bir jinsli va bir jinsliga olib kelinadigan differensial tenglamalar. amaliy masalalarga tadbiri (ko'zgu masalasi)/ Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. 2022/1/23
9. Qodirov Farrux Ergash o'g'li. O'zgaruvchilari ajralgan va ajraladigan differensial tenglamalar/ barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. 2022/1/23
10. Vazirbek Nasriddinovich Qodirov Farrux Ergash o'g'li, Qalandarov, Saera Jetkerbaevna Barlikbaeva. Current role and disadvantages of qr-code technology. 2020 Материалы конференции Научные труды молодых учёных. Страницы 25-27
11. Abdirasulov Javohir, Qodirov Farrux / Yoshlar ma'naviyatini yuksaltirishda milliy onlayn yotov do'konini tshlab chiqish va tadbiri etish. Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Карши филиали. Республика илмий-амалий анжуман / 2019/4/15 [с. 275-277].
12. Qodirov Farrux Ergash o'g'li Jurayev Suhrobjon Salohiddin o'g'li, Sharipov Daler Ko'chkarovich. Types of video formats and their differences and quality/ XIV Международная научная конференция Инновации в технологиях и образовании. 2022/3/25
13. Кодиров.Ф.Э and О.Д.Дониёров. "Эффективные модели развития медицинского обслуживания населения кашақадарьинской области." Символ науки 7-2 (2022): 15-17.
14. Qodirov Farrux Ergash o'g'li. Econometric modeling of the development of medical services to the population of the region / Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities. 2022/5/9. 1.1 Economical sciences.



15. Mukhitdinov Kh. S., Rakhimov AN EMPIRICAL MODELS WHICH WERE BUILT FOR EACH SECTOR OF THE SERVICE SECTOR TO THE POPULATION OF THE REGION. South Asian Journal of Marketing & Management Research (SAJMMR)<https://saarj.com>